



## Умнат, деб чакиргайму? (Машраб)



Сабо махшарда Хак ахли шариат, деб чакиргайму?  
Кел, эй жўяндаи бахри тарикат, деб чакиргайму?  
Хама уфтодани мухтожи рахмат, деб чакиргайму?  
Гарибу хокисор ахли хакикат, деб чакиргайму?  
Расулulloх сабо махшарда умнат, деб чакиргайму?

Гарибу мустаманд, хокисору бенаво кулмиз,  
Ки хижрон ўтида кўиган хама - багри адо кулмиз,

Гунохнинг юки бирлан доимо кадди дуто кулмиз,  
Ки, исёнлар ила олуда бўлган рўсиёх кулмиз,  
Расулulloх сабо махшарда умнат, деб чакиргайму?

Илохо нуринга сероб, килгил калбу колабни,  
Муяссар кил, талаб йўлида Машрабга шу давлатни,  
Ўзинг лутфинг била кулингга кўрсат рохи хакикатни,  
Гариби хокисор ўлди тани афтода Машрабни,

Расулulloх сабо махшарда умнат, деб чакиргайму? Шарх: Умнат, деб чакиргайму?  
Биз гунохкор бандаларга махшар тонги саодат эшиклари очилармикан? Хак таоло: «Эй ахли шариат, калби гамга тўлган, хайбатим олдида ночору ожиз бандаларим, тўгри йўл эгалари, раҳматимдан баҳраманд бўлинг, хузуримга келинг», -деб чакирармикан. Махшар кунининг пешкадами, гунохкор, гурбат ахлининг шафоатпанохи Хазрати Мухаммад (с.а.в.) бизни у вахшатли Кунда умнатим десалар эди! Холбуки, биз бечораи хокисор, бенаво бир кулмиз. Энг гўзал Жамол согинчида багримиз кабоб бўлган. Гунохлар кўплигидан алиф каддимиз долга айланган. Кўнгил исёнлар ичра баъзан саргардон, Унинг хузурида коим бўлишимизни ўйлаб, юзимиз каро. Биз каби пургунох умнат расулulloх марҳаматларидан умид кила оламизми?! Ё парвардигори олам! Бор умидимиз Сендан. Ўзинг раҳматингга мушарраф эт. Бекарор калбимизга иймон халоватини баҳшида эт. Коронгу кўнглимизни раҳмат нури билан чарогон айла. Ўзинг лутф айла, тўгри йўлни насиб эт. Жамолинг йўлида девона Машрабнинг талабини ижобат кил. Гариблик кўйига тушган кулингни ноумид этма. Расулulloх (с.а.в.) шафоатларидан баҳраманд айла.

Раҳматуллох Носирнинг  
"Соз билан суҳбат" китобидан